

Юртимиздан Сурияга инсонпарварлик ёрдами юборилди



17:51 / 21.02.2023 1705

Бугун, 21 февраль куни Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан Сурия Араб Республикасининг zilзиладан жабр кўрган аҳолиси учун инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Инсонпарварлик ёрдами юки (қарийб 50 тонна) рўйхатига болалар ва катталар учун кийимлар, маиший техника воситалари, чидамли озиқ-овқат консервалари, қуруқ мевалар, ярим тайёр овқатлар, чақалоқлар бўтқаси, ёпинғич ва ёстиқлар, гигиеник воситалар тўплами сингари ҳаётий зарур восита ва маҳсулотлар киритилган.

Манба: @xushnudbek телеграм канали